*Устодлар*

# РЕЖИССЁРЛИК САНЪАТИ

## ёхуд Тошхўжа Хўжаев сабоқлари

Тошхўжа Хўжаев театр режиссёри сифатида ўзбек саҳнасида бетакрор из қолдирган улуғ санъаткорларимиздан бири эди.

Мен Тошхўжа билан болалигимдан бирга ўсганман. 30-йилларда болалар бозорларда турли хил майда-чуйдаларни сотиб, ота-онаси тирикчилигига ёрдам берар эдилар. Мен ҳам ўқишдан қайтишим билан Бешёғоч бозорида доналаб папирос сотардим. Бир кун қорачадан келган бир боланинг “обакидандон, лаблари хандон, чайнаманг, шиминг”, деб қичқириб, ширинлик сотиб юрганини кўрдим. У қўлимдаги папиросни кўриб ёнимга келдида, “Сен менга бир дона папирос бер, мен сенга ҳолва бераман”, деди. Кейинчалик унинг бозор атрофидаги раққослар мактабига ўқишга кирганини эшитдим. Мен ҳар куни бозордан бўшашим билан уларнинг рақсларини деразадан томоша қилардим, кейин иккаламиз бирга уйга қайтардик.

1935 йил бўлса керак, Тошкентда Акмал Икромов номида ёшлар саройи очилди. Мен Тошхўжа билан биргаликда духовой оркестр тўгарагига қатнашадиган бўлдим. 1937 йили эса Москвада ўзбек санъати ва адабиёти ўн кунлигига тайёргарлик кўрила бошланди. Тошхўжа рақсга тушишга моҳир бўлгани туфайли уни “Сайл” ва “Колхоз тўйи” дастурида қатнашишга таклиф қилишди. Мен бу орада Ҳамза театрига ишга жойлашдим. Қайтгач, у мен билан кўришар экан, “Мен ҳам театрга ишга киришим керак”, деб қолди.

Хуллас, Тошхўжа Хўжаев Муқимий театрига ишга жойлашди. У рақсга тушиш ва ашула айтишдан кўра режиссёрликни маъқул топди, шекилли, Миршоҳид Мироқилов ва Музаффар Муҳамедовларга ассистентлик қила бошлади. Бир неча спектаклларни саҳналаштиришда унинг ўзига яраша ўрни бўлганлигини афишалардан ҳам билса бўлади.

Тошкентда театр санъати институти очилди ва иккимиз биргаликда имтиҳон топширдик. Ўқишни битириши биланоқ режиссёрликка қобилияти зўр бўлганидан Ҳамза театрига йўлланма олди. У театрда саҳнага қўйган дастлабки асарлар томошабинлар эътиборини қозонди. Айниқса, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”ини ўзи инсценировка қилиб, ўзи саҳналаштириши катта воқеа бўлди. Бу спектаклда театрнинг энг зўр артистлари иштирок этардилар. Мен ўз тажрибамдан шуни биламанки, энг машҳур актёрлар ҳам агар режиссёр том маънода маҳоратли бўлса, унинг истеъдодини юзага чиқара билишига ишонса, ёшидан қатъий назар ўша режиссёр билан жон-жон деб ишлайди. Дарҳақиқат, асарни ва актёр ижросини юзага чиқаришда яхши режиссёр ҳамма вақт кўмакка келади. Ҳатто йўқ жойдан ҳам спектакл ярата билади. Тошхўжа Хўжаев ана шундай зўр истеъдодли режиссёр эди. Умуман, театрда режиссёрнинг роли ниҳоятда катта. Олтин ҳам заргар қўлига тушгач, ўз чиройини топади, дейдилар. Тошхўжа Хўжаев бизнинг театримизда жуда кўп истеъдодларни юзага чиқарган заргарона маҳоратга эга режиссёр эди. Шу билан бирга кўплаб драматургларнинг асарлари саҳна юзини кўришига кўмаклашганди.

Унинг ёзувчи Одил Ёқубов билан ўзаро ижодий ҳамкорлиги ҳозир ҳам кўп режиссёрларга ўрнак бўларлидир. Ёзувчи Тошхўжа Хўжаевнинг таклифи билан “Чин муҳаббат” номли пьесани ёзиб, театр жамоасига ўқиб беради. Жамоа асарнинг академик театрда қўйилишини маъқул топмади. Аммо Тошхўжа Хўжаев пьесани Одил Ёқубов билан биргаликда ишлашга аҳд қилиб, асарни репертуарга киритишни талаб этди. Зеро, у ўша вақтдаёқ Одил Ёқубовнинг драматик асарлар ёзиш қобилиятини биринчи бўлиб сезганлардан эди. Шундай қилиб, “Чин муҳаббат” устида иш бошланди. Асарнинг мавқеини кўтариш учун бир неча янги образларни ҳам киритди. Жумладан, машҳур комик актёр Ғани Аъзамовга бир эпизодик рол мўлжаллаб, бу образни “Арслоншер” деб номлади. Маълумки, Ғани Аъзамовнинг жуссаси кичкина, у асар давомида ким билан танишмасин, ўзини “Арслоншер” деб атаганида одамлар юзида табассум ўйнарди. Шундан сўнг Одил Ёқубов бир неча драматик асарлар ёзди ва уларнинг театр саҳнасида намойиш этилишида Тошхўжа Хўжаев сабабчи бўлган эди.

Ўша йиллари эндигина драматургияда қалам тебрата бошлаган Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” номли саҳна асари юзага келишига ҳам Тошхўжа Хўжаев бош бўлди. Аммо бу асарнинг саҳнага қўйилиши осонликча бўлган эмас. Айниқса, ўша вақтдаги партия ташкилотлари “Юрак сирлари”нинг кўрсатилишига қаттиқ қаршилик қилиб, Сурмахонлар бизнинг давримизга муносиб эмас, ундай аёллар бизнинг жамиятимизда бўлиши мумкин эмас, деган даъволар билан чиқишди. Барча муҳокамаларда ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, танқидчи Ҳафиз Абдусаматов ва Тошхўжа Хўжаевлар театр жамоаси томонида туриб, асарни қаттиқ ҳимоя қилган эдилар. Бу асарда Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Қудрат Хўжаев, Тошхон Султонова, Шоҳида Маҳзумова, Икрома Болтаева, Зайнаб Садриева каби машҳур актёрлар бетакрор образлар яратгандилар.

Тўсқинликларга қарамасдан, томошабинларга манзур бўлгани учун бу спектакл республикамизнинг барча вилоятларида кўрсатилган эди. Баҳром Раҳмонов эса драматург сифатида яна бир неча асарлар ёзди.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Янгиер” деб номланган асарининг дастлабки саҳна варианти (бошқа театрда қўйилган) унча обрў қозонмади. Тошхўжа Хўжаев бу асарни “Шоҳи сўзана” деб номлаб, унга кулгили саҳналар қўшиш йўли билан машҳур комедияга айлантиришга муваффақ бўлди. У Абдулла Қаҳҳор билан ҳамкорликда самарали иш олиб борди. Муаллиф ҳам режиссёр ёнида туриб ҳар бир саҳна устида жиддий бош қотирди. Бир куни репетиция ниҳоятда чўзилиб кетди. Соат тўртга яқинлашса ҳам ҳеч ўйлаган нарсамиз чиқмасди. Шунда саҳнада репетиция қилаётган Лутфулла Нарзуллаев, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Шариф Қаюмов, Яйра Абдуллаева ва мен тушлик пайти ўтиб кетганини билдирмоқчи бўлиб ўзимизча этюд қила бошладик. Ҳафиза ролидаги Яйра столга бир лаганни олиб келиб қўйди-да, “Олинглар, чучвара тайёр бўлди”, деди. Шунда Нарзуллаев: “Мен семириб кетаётганлигим туфайли докторлар хамир овқат емагин, дейишган”, деб орага сўз ташлади. Наби Раҳимов эса унинг жиғига тегиш учун: “Чучварага мурч солса ширин бўлади-да”, деб бир нималарни лаганга сочгандай бўлди. Обид Жалилов “Қатиқ билан яхши кетади”, деб қўйди. Шунда мен ҳам “Тўғралган кўк пиёз сепайлик”, деб гап қўшдим. Раис ролини ўйнаётган Нарзуллаев овқатга тикилганича у ёқдан бу ёққа югурар экан, “Ке, яна ярим кило семирсам семирганим бўлсин”, деб стол устидаги чучварага қўл чўзди. Ҳаммамиз баралла кулиб юбордик. Залда ўтирган Абдулла Қаҳҳор билан Тошхўжа Хўжаев “Бўлди, асарнинг финали мана шу бўлади”, дейишди. Хуллас, Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана”си ниҳоятда кучли комедия бўлиб, халқ орасида машҳур бўлиб кетди.

Абдулла Қаҳҳор кейинчалик “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим”, “Оғриқ тишлар” каби комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига катта ҳисса қўшди. Мен драматургларнинг истеъдодини камситмаган ҳолда шуни таъкидламоқчиманки, янги ва бақувват асарларнинг юзага келишида режиссёрнинг хизмати катта бўлади. Бунга юқоридаги воқеалар ёрқин далилдир.



Тошхўжа Хўжаев режиссёр сифатида ҳар бир актёрнинг ички дунёсини ҳисобга олиб, ундаги бор имкониятни юзага чиқаришга ҳаракат қиларди. Каттадир-кичикдир ҳар бир ролни кимга бериш лозимлигини пьесани қўлга олгандаёқ аниқ биларди. Бу режиссёрнинг хизматлари туфайли саҳнамиз юлдузларига айланган актёрлар талайгина. Масалан, Яйра Абдуллаева ижодида Тошхўжа Хўжаев саҳналаштирган пьесалар алоҳида ўрин тутади. “Қутлуғ қон”даги Гулнордан тортиб “Ўғирланган умр”даги Кей образларигача ҳамон театримиз тарихидаги энг ажойиб роллар сифатида эътироф этиб келинади. Айниқса, Кей образининг яратилишида Тошхўжа Хўжаевнинг режиссёр сифатидаги ҳиссаси катта бўлган.

Режиссёр ўзининг шогирдларидан бири Турғун Азизов учун испан ҳаётидан олинган “Ўлимдан кучли” пьесасини тайёрлаган эди. Монсерро образи орқали Турғун Азизов ижоди яна бир поғона юқори кўтарилди, десам муболаға бўлмайди. Кейинчалик у “Қутлуғ қон”даги Йўлчи образини ҳам муваффақият билан ўйнади.

“Парвона” спектакли театр ҳаётида ҳам, Т.Хўжаев ва Обид Юнусов ижодида ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Режиссёрнинг кичик бир турткиси Ўткурий образининг мукаммал чиқишига сабаб бўлган эди.

Яхшигина овози ва соз чертишга уқуви бўлган О.Юнусов бу образни қойиллатиб яратади. Шундай қилиб унда томошабин кўнглига йўл топиш имконияти туғилади. Ҳанузгача бу образ томошабинлар қалб тўрида сақланиб келади.

Кўриб турганингиздек, Тошхўжа Хўжаев ҳар бир пьесанинг моҳиятидан келиб чиқиб, кўп асарларнинг мукаммал бўлишига жуда катта ҳисса қўшган режиссёр эди. У ўзбек романларининг саҳна вариантлари яратилишига ҳам ҳисса қўшган.

Чингиз Айтматовнинг Ҳамид Ғулом таржимасидаги “Сарвиқомат дилбарим” асари биринчи бўлиб Ўзбекистонда саҳналаштирилди. Бу асар халқимизга манзур бўлгани учун бошқа вилоят театрларида ҳам Тошхўжа Хўжаев раҳбарлигида саҳнага қўйилди. Ҳатто бу спектаклни Қозон драматик театрида саҳналаштириб, Абдулла Тўқай мукофотига ҳам сазовор бўлганди. Бу билимдон санъаткор нафақат саҳнада, балки педагогликда ҳам ўзига хос из қолдирди. Унинг шогирдларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев республикамиздан ташқарида ҳам кенг танилган машҳур режиссёрлардан бирига айланди. Бугун унинг театр санъатида ўз ўрни, ўз мактаби бор. Баҳодирнинг ўзи ҳамон устозини миннатдорлик билан эслайди. Аброр Ҳидоятов номидаги театрда бўлар эканман, Баҳодирнинг хонасидаги Тошхўжа Хўжаев суратига кўзим тушади. Тошхўжа Хўжаев кўпинча бизларга: “Ҳар кимнинг дилида ҳеч кимга айтмайдиган сирлари ҳам бўлади”, дер эди. Эшитишимча, Баҳодир Йўлдошев бир тумор тақиб юрар экан ва ўша тумор ичида устози Тошхўжа Хўжаевнинг маънодор боқиб турган сиймоси бор экан. Мана, шогирднинг устозга эҳтироми.

Шубҳасиз, бундай эҳтиромга сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Назаримда, бунга аввало Тошхўжа Хўжаевнинг том маънода катта режиссёр ва улкан инсоний қалб эгаси эканлиги сабаб. Бугун мен бу ажойиб инсон ҳақида ёзаётганимнинг асосий сабаби деярли барча театрларимизда у кишига ўхшаш санъаткор-режиссёрларга эҳтиёж сезилмоқда. Тўғри, режиссёрлар ишлашяпти, театрларда спектакллар қўйиляпти, бироқ воқеа бўлгулик асарларнинг камлиги ҳеч кимга сир эмас. Агар бугун фаолият кўрсатаётган режиссёрлар, шу касбни эгаллашни орзу қилиб юрганлар Тошхўжа Хўжаев ва унга ўхшаш улкан устозларимиз ижодини қунт билан ўргансалар, фойдадан холи бўлмасди.

Зеро, Т.Хўжаев театр жамоасига ота ва оға бўлишга қодир, ҳар бир актёрнинг қалби тубидаги нозик пардаларни қўзғата оладиган санъаткор эди. У мусиқадан, саҳна безакларию либослардан, умуман, театр санъатининг икир-чикирларидан ҳам хабардор нозик табиатли, зийрак ижодкорлардан бири бўлган. Шахсан ўзим кўп кузатганман, жаҳон адабиётини, ўзбек адабиётини тинмай ўрганарди, халқ ҳаётини, унинг турмуш тарзи, урф-одатлари, орзу-ўйларини яхши биларди.

Мана бугун Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари ва ғамхўрликлари билан Ҳамза номидаги театримиз қайта таъмирланиб, театр қиёфаси янгиланиб бормоқда. Ана шундай кунда биз Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевдек буюк режиссёрларни орзу қиламиз.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ**

---

# ЖОНКУЯР

*Қутлаймиз!*

Кўпчиликнинг бошини қовуштириб, турли тадбиру маросимларга ташкилотчилик қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун инсон ташкилотчи, бағрикенг, бошлаган ишига кишиларни ишонтира биладиган, юксак мусиқа маданиятига эга бўлиши керак. Ўткир ака Тоҳиров ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган, камтарин, маданиятли, ўз ишига садоқатли инсонлардан бири. Уни таниганимга йигирма йилдан ошди. Шу давр ичида Ўткир акани ўзим учун қайта кашф этдим. Кўпчилик у ҳақда ўз ишини пухта биладиган, самимий, дилкаш инсон сифатида ҳавас билан гапиради. Республика Халқ ижодиёти маркази раҳбари Камол Назармуҳамедов Ўткир аканинг ибратли фазилатлари ҳақида шундай ҳикоя қилади: “Очиғи, марказимиз фаолиятини Ўткир акасиз тасаввур қилиш мушкул. У кишининг ташаббуси ва иштироки билан бахши шоирлар, тўй-маросим қўшиқлари, катта ашула ва лапар ижрочилари, аския ва қизиқчилар, дорбозлар ва миллий цирк гуруҳларининг кўплаб кўрик-танловлари, халқаро фестиваллар ўтказилди. Хорижий мамлакатларда республикамиз халқ ижодиётининг турли соҳаларини тарғиб қилиш ишига ҳам Ўткир ака катта ҳисса қўшиб келмоқда”.



Ў.Тоҳиров иш фаолиятини мактабда бошлаб, кейинчалик Алишер Навоий номидаги маданият уйида тўгарак раҳбари сифатида давом эттирди. Изланувчанлиги, меҳнаткашлиги сабабли шу маданият уйининг бадиий раҳбари даражасига кўтарилди. Шу ерда унинг ташкилотчилик қобилияти бўй кўрсатди. Унинг бу қобилияти кейинчалик пойтахтимизнинг кўзга кўринган маданият ва истироҳат боғларида раҳбар бўлиб ишлаганида ҳам қўл келди. Чунки боғларнинг гавжум, кишилар яхши ҳордиқ чиқарадиган жойга айланишда бу жойларда ўтказиладиган оммавий ва маданий тадбирларнинг аҳамияти катта. Айниқса, “Қовун сайли”, “Табассум кечаси”, “Муштум” кечаси”, “Оталар чойхонаси” мусиқий дастурининг ташкил этилиши эса кексаларимизга беҳад манзур бўлди.

Ў.Тоҳиров Халқ ижодиёти маркази раҳбарининг ўринбосари сифатида йигирма йилдан буён ишлаб келмоқда. Бу ерда у юздан ортиқ театрлаштирилган ва оммавий тадбирларга режиссёрлик қилди. Халқ ижодиётининг кўп соҳаларини, айниқса, урф-одат ва маросимлар, анъаналар, қадимий халқ қўшиқларини ўрганиш, ёзиб олиш ва тарғиб қилиш бўйича ўтказилган илмий экспедицияларнинг аъзоси сифатида республикамизнинг барча вилоятлари шаҳар-қишлоқларида бўлди. Ана шу сафарлар натижаси ўлароқ телевидениенинг “Остонаси тиллодан” кўрсатувида мунтазам равишда қизиқарли дастурлар намойиш этилмоқда.

Ўн йилдан буён Наврўз ва Мустақиллик байрамлари тадбирларини ўтказишда Ўткир Тоҳиров фаол иштирок этиб келмоқда. Айни кунларда ҳам Ўткир ака Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги тадбирларида иштирок этиш учун вилоятлардан келган бадиий жамоаларнинг дастурларини тайёрлаш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўз ишининг моҳир устаси, катта оила бошлиғи Ўткир Тоҳиров бугун табаррук 60 ёшда. Биз у кишига ҳамиша соғ-саломат, бардам-бақувват бўлинг, ижодий куч-ғайрат сизни асло тарк этмасин деймиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

---

*Теран томирлар*

# ҒОЛИБЛИК ШАРАФИ

Қашқадарё вилояти Баҳористон, Усмон Юсупов, Нишон, Муборак туманларининг кўз илғамас кенгликларида ястаниб ётган саҳро бағрида қад кўтарган қишлоқлар кўп. Улар теп-текис қум барханлари, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган яйловлар ўртасида пайдо бўлган жаннатмакон маъвога ўхшайди. Бу гўшаларда одамлар ҳамиша ҳамкор, ҳамжиҳат. Тўй, маърака, маросимларда қишлоқ аҳлини уйма-уй айтмасдан, “Бўтажамоат фалончибойникига тўйга” дея овоз берадилар. Бу ерлардаги халқнинг турмуш тарзи, ўзаро муносабатлари, самимийлик, ҳалоллик ва покликка асосланган. Шу боис бўлса керак, бундай жойларда туғилиб вояга етганлар ўзга бир маконга тушиб қолсалар кўникишлари қийин кечади.

Чўлда ҳосил йиғиштириб олиниб, меҳнат мавсуми якунлангач курашли, кўпкарили тўйлар бошланади. Унга узоқ-яқиндан, ҳатто қўшни давлатлардан донғи кетган полвонлар, чавандозлар таклиф этилади. Совринлар тўкиб солинади, ўзига тўқ хонадонлар ҳам ўз ҳимматларини аямайдилар, қўниққа меҳмонларни қабул қиладилар. Рақибини ҳалол енгган полвонлар номи фахр ва ифтихор билан узоқ вақт эслаб юрилади.

Рустам полвоннинг миллати туркман, бироқ у ўзбек фарзандиман, дейди. У Баҳористон туманига қарашли Чандир қишлоғида туғилиб вояга етди. Амир Темур жамоа хўжалигида узоқ йиллар жамоа раҳбари ўринбосари лавозимида ишлади. Айни пайтда нафақада.

Ўзбек ва туркман халқининг диллари дилларига туташ бўлганидек, ерлари ҳам ерларига туташ. Улар азал-азалдан қон-қардош бўлиб яшаб келишган. Тўю маъракалари бир. Рустам полвоннинг отаси Ҳаққивой яйловларда элнинг сурув-сурув қўй-эчкиларини боққан.

Рустам полвон туркман халқининг оташин шоири Махтумқули номидаги туркман мактабини битириб, Қаршидаги педагогика олий илм даргоҳининг жисмоний тарбия факултетида таҳсил олди. У болалигидан тўй, маросимларда кураш тушиб келади. Ота-онадан эрта ажралган бўлса-да дадил, ўктам ва ҳалол бўлишга ҳаётнинг ўзи ўргатган. Бу манзилларда Рустам полвон билан бир даврада Нортожи, Мамарайим, Муртазоқул, Ёмғир, Ибройим, Сайфулло, Жўра, Ҳаким, Жумақули Тўра, Ҳамро, Оқмирза, Муҳаммади, Элмурод полвонлар ҳам кураш тушишади. Улар доимо дўст, биродар, бири-бирининг ютуғидан қувониб яшайдилар.

Рустам полвон саккиз фарзанднинг бахтли отаси. 3 ўғил, 5 қиз. Ҳаммаси уйли-жойли. Ўғли Қурбонжон ички ишлар хизматида масъул ишларга бош-қош. Яна икки ўғли эса “Чандир” жамоа хўжалигида бригада бошлиғи. Келин, куёвлари ҳам турли миллат вакиллари...

Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Тарихий, маданий қадриятлари, урф-одатлари эъзозда. Улар равнақига кенг шароит яратиб берилган. Шу боис Президентимизнинг тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатлик борасида олиб бораётган сиёсати барча миллат вакиллари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Дўстлик ва биродарлик тимсолига айланган спорт ўйинларининг, жумладан, миллий курашимизнинг ҳам турли миллат вакиллари дўст-биродарлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга. Аслида кураш мард, танти халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмидир. Чунки яшаш ҳам кураш демакдир.

Мустақиллик шарофати билан миллий курашимиз жаҳонга чиқди. Юртдошимиз Баҳром Авазов Анталия шаҳрида ғолиблик шоҳсупасига чиққанида, унинг шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда Рустам полвоннинг кўзига севинч ёшлари қуйилди. Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Президент Ислом Каримов халқаро турнири ўтказилиб, инглизлар соф ўзбек тилида “Ҳалол” деб ҳайқирганларидаги қувончини сўз билан ифодалаш қийин.

"Ўзбекистон Оллоҳ назари тушган, менинг ва авлодларимнинг киндик қони томган муқаддас Ватан", дейди Рустам ака. — Мен шундай юртда яшаётганимдан фахрланаман. Юртим шарафи учун бор куч-қувватим, табиат ато этган иқтидорим, маҳоратимни аямайман".

**Исмоил ТЎХТАМИШЕВ**

---

*Рассом устахонасида*

# МУСАВВИРА ДУНЁСИ

Миллий тасвирий санъатимизнинг бугуни ўзига хос. Мусаввирлар оламининг бетакрорлиги, янги услубларнинг ўзига хос намойиши, инсон кўнглини англаш йўлидаги уринишлар санъатимиз муҳитини бойитмоқда.

Гулзора Султонова — графакачи рассом, ҳайкалтарош, “Саодат” журнали бош рассоми. Бу истеъдод соҳибасининг ижоди билан чуқурроқ танишсангиз, кичкина жуссали аёл кўз ўнгингизда салобат касб этиб боради.

Унинг график-қаламтасвир ишлари бир қарашда бироз мавҳум туюлиши мумкин. Бироқ, чуқурроқ назар ташласангиз, тасвирлар сизга ўз маъно моҳиятидан (тўғрироғи, бизнинг ақлимиз қабул қилганича, англаганимизча) сўзлай бошлайди; истеъдодли мусаввира аёл дунёси, унинг бизга таниш-нотаниш иқлимлари, англаб бўлмас нозик ва ўта мураккаб кўнгил сирлари ҳақида тасаввур беришга интилади.

“Орзу” асарида Г.Султонова қушча, аёл образлари орқали бир қарашда мавҳумроқ манзара яратади. Учишга уринаётган қушча, унга жон-жаҳди билан ёпишиб олган аёл. У ҳам парвоз иштиёқида. Лекин аёлнинг вазни бунга монелик қилмоқда. Асарда орзу қуши учишга чоғланган, лекин рўзғор ташвишлари аёл орзусининг амалга ошишига йўл қўймайди. Аёл орзу ва ташвишлар аро яшайди. Бу ерда миллий характер, ўзбек аёлининг тақдирига бир ишора бор. Зеро, ўзбек аёли оиласиз ўз бахтини барибир кемтик сезади.

Аёл — хонадон кўзгуси. Оиланинг қувончи ҳам, қайғуси ҳам биринчи навбатда аёл чеҳрасида намоён бўлади: “Оилада байрам” график тасвирда қозон олдида гул-гул яшнаб турган оила бекаси ва қўлларида турли масаллиқларга тўлиқ сумка кўтариб олган оила бошлиғи. Рўзғорнинг бутлиги — оила тинчлигининг гарови экан-лигига рассом бизни яна бир бора ишонтирмоқда.

“Идеал” суратида балоғатга етган қиз орзу-хаёли акс этган. Қиз боланинг хаёлидан-да учқур, ғаройиб олам бўлмаса керак. Асарда бироз юмористик кайфият ҳам сезилади...

“Бераҳм” асарида бир гала қушчалар осмонда чарх уриб парвоз этаяпти. Асар марказида бераҳм овчи олдида қайнаб турган қозон. Овчи бир қўлидаги қушчани қозонга солаётиб, яна бир қушчани овлаш орзусида. Қизиғи шундаки, овчининг қўлида ҳеч қандай ов қуроли кўринмайди. У ширин сўзлар, ёлғон илтифотларни ўзига қурол қилиб олган. Мусаввир алдов гирдобига тушиб қолган қизларга муносабатини шу тарзда ифода этади. Маъсум қушчалар (қизлар) бахт ва қувонч оғушида сармаст бўлиб, қайнаб турган қозон — ҳаёт гирдобига ботаётиб алдов ва қўрқувдан карахт ҳолатга тушмоқдалар.

Г.Султонова бронзадан ишланган бир туркум асарларида гўзал руҳий эврилишлар, аёл дунёсининг нафис ифорлари, бокира орзулари, ниятлари, гўзалликка талпинишлари, бахт истаги, севги сурурларининг бетакрор ҳолатларини акс эттира олган. Диққатимизни тортиб, бироз ўйлатиб қўйган асар “Фаришта” бўлди. Образда маҳзунлик, бир қадар чорасизлик кайфияти сезилади. Тааж-жуб, фариштанинг нима ғами бўлсин. Унинг ўзи инсонларга бахт ва шодлик олиб келгувчи, бало-қазодан асрагувчи эди-ку! Ажаб, қўлида олма. Олма муҳаббат рамзи. Фариштанинг аҳволи аён. У — ишқ асираси. Бу муҳаббат уни на учиб кетишга қўяди, на ерга қўнишга. Мусаввиранинг бу композициясида мавзу ҳам, ечим ҳам ниҳоятда ўзига хос.


"Фаришта"

Гулзора Султонова аёл руҳиятининг анвойи жилоларини топа олади ва маҳорат билан яратилган сюжетларда акс эттиради. Унинг асарларидаги фалсафийлик томошабинни бефарқ қолдирмайди. Асарларини қайта-қайта томоша қилсангиз, янги-янги маънолар топаверасиз.

Мусаввирнинг баркамол асарлари миллий маънавиятимизнинг бойлигига айланиб қолишига умидвормиз.

**Дилфуза КАМОЛ**

---

*Доимий ҳамроҳ*




Бугун мусиқа ва санъат мактаблари, ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг анъанавий қўшиқ ижрочилиги санъати бўйича ўқув қўлланмаларига эҳтиёж катта. Тошкент давлат Маданият институти “Халқ ашула ва рақс ансамбли” кафедраси мудири, профессор Раҳматжон Турсуновнинг “Қалбимда ўзинг борсан” номли қўлланма тарзидаги тўплами маълум маънода ана шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Муаллиф бастакор сифатида ўзи яратган қўшиқлардан 42тасини мазкур тўпламга киритган. Унда Навоий, Лутфий, Атоий, Махтумқули, Туроб Тўла, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Пўлат Мўмин, Чархий, Азим Суюн сингари шоирлар ижодига мансуб ғазал ва шеърларга басталанган қўшиқлар алоҳида ўрин тутади.

Мазкур тўплам мусиқа ва санъат мактаблари, ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари, олий ўқув юртлари ҳамда халқ ашула ва рақс ансамбллари учун зарур қўлланма бўлиши мумкин.

**Нозим ҚОСИМОВ**

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Ёқубжон Хўжамбердиевга акаси

**Турғунбой ХЎЖАМБЕРДИЕВ**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2509. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.